

**Давлат активларини бошқариш агентлиги марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг
2022 йил I ярим йил учун
ИШ РЕЖАСИ**

T/p	T/p	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
Йирик давлат активларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш департаменти					
1.	1.	“Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги дон корхоналарини савдога чиқариш.	<p>1. Савдога чиқариладиган дон корхоналари бўйича таклифларни Иқтисодий тараққийёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этиш.</p> <p>2. Дон корхоналарининг инвентаризацияси ва баҳолаш ишларини ташкиллаштириш.</p> <p>3. Дон корхоналарини савдога чиқариш.</p>	<p>2022 йил январь</p> <p>Рўйхат тасдиқлангандан сўнг 3 ойлик муддатда</p> <p>Баҳолаш ишлари яқунлангандан сўнг 10 кунлик муддатда</p>	Қ.Носиров Ж.Жўраев С.Муродов
2.	2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармонининг 3-иловасидаги тегишли корхонларни савдога чиқариш режа-жадвалини тасдиқлаш.	Хар бир корхонага Департаментнинг масъул ҳодимини бириктириш.	2022 йил 15 январь	Қ.Носиров, С.Жумаев, Ж.Ахмедов, Ў.Тўхтасинов
3.	3.	Давлат мулки ахборот тизимида Йирик давлат активларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш департаментининг алоҳида бўлимини ташкил қилиш.	<p>1. Ишлаб чиқилган дастур асосида Департаментга бириктирилган корхонларнинг маълумотлари базасини яратиш.</p> <p>2. Янратилган маълумотлар базасини янгилаб бориш ва такомиллаштириш.</p>	<p>2022 йил февраль</p> <p>Доимий</p>	Қ.Носиров, У.Самиев
4.	4.	Агентликнинг 2021 йил 27 октябрдаги 215 – сон буйруғи иловаларидаги давлат иштирокидаги корхоналарни доимий мониторингини ўрнатиш.	Ишлаб чиқилган режа-график асосида мониторинг юритиш.	Доимий	Қ.Носиров, С.Жумаев, Ж.Ахмедов, Ў.Тўхтасинов

Т/р	Т/р	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
5.	5.	Департаментга бириктирилган давлат иштирокидаги корхоналарнинг операцион фаолияти самарадорлигини ошириш.	1. 2022 йил учун корхонанинг бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. 2022 йил учун бизнес режасини ишлаб чиқиш.	2022 йил март 2022 йил апрель	Қ.Носиров, С.Жумаев, Ж.Ахмедов, Ў.Тўхтасинов
6.	6.	Департаментга бириктирилган давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижро органлари ва бошқарув органлари қарорларини таҳлил қилиш.	1. Департаментга бириктирилган давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижро органлари ва бошқарув органлари қарорларини яратилган базага киритиш. 2. Қабул қилинган қарорлар бўйича мунтазам равишда Агентлик раҳбариятига ахборот киритиб бориш.	2022 йил 15 февраль 2022 йил давмида	Қ.Носиров, С.Жумаев, Ж.Ахмедов, Ў.Тўхтасинов
7.	7.	14 та давлат корхоналарини жумладан, 12 та йўл қурилиш давлат корхоналари ва “Фонд бозорининг ахборот-ресурс маркази” ДУК ва “Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси” ДУКларни хўжалик жамиятларига ўзгартириш.	Қайта ташкил қилиш режаси асосида давлат унитар корхоналарни бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга (АЖ, МЧЖ) ўзгартириш.	2022 йил май	Қ.Носиров, С.Жумаев, Ш.Софаров, У.Газиёв
8.	8.	Давлат улуши бор жамиятларнинг акция пакетларини IPO орқали савдоларга чиқариш.	1. Давлат улуши бор жамиятларнинг акция пакетларини IPO орқали савдоларга чиқариш бўйича назорат режасини ишлаб чиқиш. 2. Тасдиқланган назорат режа асосида жамиятларни акция пакетларини IPO орқали савдоларга чиқариш.	2022 йил февраль 2022 йил давомида	Қ.Носиров, С.Жумаев, Ў. Тўхтасинов, Ж. Ахмедов, С. Қурбоналиев, Ш. Софаров
9.	9.	Департаментга бириктирилган корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш.	Корхоналарнинг молиявий кўрсаткичларини, бизнес режа кўрсаткичларини бажарилиш ҳолатини ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини таҳлилин аамалга ошириш.	Ҳар чорақда	Қ.Носиров, С.Жумаев, Ў. Тўхтасинов, Ж. Ахмедов, С. Қурбоналиев,
10.	10.	Департаментга бириктирилган корхоналарни корпоратив бошқарув жараёнларини мувофиқлаштириш.	Акциядорларнинг умумий йиғилишлари ва кузатув кенгаши мажлислари материалларини ўрганиб чиқиш, уларга кўрсатмалар бериш ва уларда қатнашиш. Кузатув кенгаши таркибига номзодларни тақдим этиш. Жамиятларнинг турли мурожаатларини акциядор сифатида ўрганиб чиқиш ва уларга жавоб бериш.	Доимий	Қ.Носиров, С.Жумаев

T/p	T/p	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
11.	11.	Раҳбар ходимларларни мунтазам равишда гуруҳлар доирасида ротацيا ишларини амалга ошириш, кадарлар заҳирасини мунтазам равишда шакллантириб янгилаб бориш.	Ҳодимларни ротацيا қилиш бўйича ташабус билан чиқиш.	Ҳар чорақда камида 1 маротаба	Қ.Абдуҳолиқов, Қ.Носиров, Д.Исроилов, Ж.Валижонов
Давлат иштирокидаги корхоналарнинг корпоратив кўрсаткичлари таҳлили департаменти					
12.	1.	Давлат иштирокидаги корхоналар тўғрисидаги йиғма ҳисоботни ошкор этиш амалиётини жорий этиш.	Халқаро молия институтларива чет эл экспертларини жалб этган ҳолда, давлат иштирокидаги корхоналар томонидан тижорат мақсадлари ва нотижорат мақсадларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот шаклини яратиш.	2022 йил 1 апрель	С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, М.Ибрагимов
13.	2.	Давлат иштирокидаги корхоналарга нисбатан тижорат мақсадлари ва нотижорат мақсадларни ишлаб чиқиш.	1. Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан Агентлик, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлат иштирокидаги корхоналарга нисбатан тижорат мақсадлари ва нотижорат мақсадларни ишлаб чиқиш ҳамда ушбу мақсадларни корхоналар веб-сайтида эълон қилишни таъминлаш. 2. Нотижорат мақсадларни молиялаштириш тартибини ишлаб чиқишда иштирок этиш.	2022 йил 1 май 2022 йил 1 апрель	С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, М.Ибрагимов
14.	3.	Таваккалчиликни бошқариш тизимини такомиллаштириш.	“Уч ҳимоя чизиғи” ёндашувига асосланган таваккалчиликни бошқариш тизими тўғрисидаги намунавий тартибни ишлаб чиқиш.	2022 йил 1 май	С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, М.Ибрагимов
15.	4.	Давлатнинг мулкдор (акциядор, иштирокчи, муассис) ва тартибга солувчи функцияларини ажратиш.	Давлат иштирокидаги ҳар бир корхонада (Фармонга 1 ва 2 илова) мулкдор ва тартибга солувчи функцияларини бажарувчи давлат органларини аниқлаш, ушбу функциялар битта давлат органи томонидан бажарилаётган (қисман бўлса ҳам) ҳолатларни хатловдан ўтказиш.	2022 йил 1 июнь	С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, М.Ибрагимов
16.	5.	Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори ижросини таъминлаш.	Қарор ижроси бўйича амалга оширилган ишлар натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасининг тегишли котибиятлари кесимида маълумотларни Ҳукуматга киритиш.	Ҳар чорақдан кейинги ойнинг 20 санасига қадар	С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, М.Ибрагимов
17.	6.	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши мониторингини юритиш.	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг инвестиция лойиҳалари дастурларини бажарилиши ҳолатини мониторингини йўлга	2021 йил 1 апрель	С.Қурбоналиев, А.Тугизбаев, С.Ниғматов

Т/р	Т/р	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
			қўйиш мақсадида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ахборот дастури билан электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйиш.		
18.	7.	Агентликнинг kpi.davaktiv.uz сайтини такомиллаштириш.	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бизнес-режалари кўрсаткичлари мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш, бунда корхоналарни мониторинги натижаларига уларнинг солиқ ва дивидендлар бўйича қарздорликлари, импорт ва экспорт ҳажми, давлат харидлардаги иштироки каби кўрсаткичлар таҳлилини киритиш.	2022 йил 1 май	С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, Д.Маматқулов, А.Матякубов
19.	8.	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг импорт харидларини тегишли бошқарув органларида кўриб чиқилишини таъминлаш.	1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.08.2020 йилдаги ПҚ-4812-сонли қарорига асосан давлат вакиллари томонидан кузатув кенгашларида харидларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш имконияти, импорт товарлар (ишлар, хизматлар) харидларининг асосланганлиги кўриб чиқилганлигини таҳлил қилиш ва натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш. 2. Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этиладиган божхона омборларида сақланаётган, муддати уч ойдан ошган товарларнинг номенклатураси ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар асосида уларни қисқартириш юзасидан раҳбариятга таклиф киритиш.	2022 йил 15 март Ҳар ойда	С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, Д.Маматқулов
20.	9.	Давлат иштирокидаги корхоналарда жорий этилган маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг маҳаллийлаштириш ва саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш бўйича фаолиятини баҳолаш.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.08.2020 йил ПҚ-4812-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича ҳукумат комиссияси раиси томонидан тасдиқланган Тармоқ корхона раҳбарининг маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологияларн масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг маҳаллийлаштириш ва саноат	Ҳар чорақда яқунлангандан сўнг 30 кун ичида	Т.Самандаров, Д.Маматқулов, С.Ниғматов

Т/р	Т/р	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
			кооперацияси алоқаларини кенгайтириш бўйича амалга ошираётган ишлари самарадорлигини баҳолаш мезонларини (KPI) жорий этилиши ва баҳоланишини мониторинг қилиш.		
21.	10.	“Иссиқлик электр станциялари” АЖ ва унинг таркибидаги корхонларнинг қиймати 1 миллион АҚШ долларидан юқори бўлган шартномаларини хатловдан ўтказиш.	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги ПҚ-5171-сон қарорига асосан “Иссиқлик электр станциялари” АЖ ва унинг таркибидаги корхонларнинг қиймати 1 миллион АҚШ долларидан юқори бўлган шартномаларини, шу жумладан импорт шартномаларини хатловдан ўтказиб, мақбуллаштириш чораларини кўриш. Бунда хатлов натижаларига кўра, 30 фоиздан кам бўлган ҳажмда бажарилган ва (ёки) 30 фоиздан кам миқдорда тўлов амалга оширилган шартномалар бўйича харидлар самарадорлигини ошириш ҳамда ортиқча харажатларни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратиш.</p> <p>2. “Иссиқлик электр станциялари” АЖ ва унинг тизимидаги ташкилотлар томонидан 2022 йил давомида амалга оширилган харидлар юзасидан раҳбариятга маълумот киритиш.</p>	<p>2022 йил 1 март</p> <p>Ҳар чорақдан кейинги ойнинг 30 санасига қадар</p>	Т.Самандаров, Д.Маматқулов
22.	11.	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг асосий кўрсаткичларини ошкор қилиш ҳолатини мониторингини юритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 674-сонли қарори доирасида вазирлик ва идоралар расмий веб-сайтларида корхоналарнинг асосий кўрсаткичлари жойлаштирилганлигини мониторинг қилиш ва натижаси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиш.	2022 йил 1 май	Т.Самандаров, О.Матякубов, С.Самадов
23.	12.	Корхоналарда харидлар шаффофлигини таъминлаш.	Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 августдаги “Корпоратив ва бюджет буюртмачиларнинг давлат харидлари шаффофлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилётган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида”ги 181-сон баёнига асосан, Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидаги ташкилотлар томонидан 2022 йил 1-чорақ даврида амалга оширилган харидлар	Ҳар чорақдан якунидан кейин 45 кун ичида	Т.Самандаров, Д.Маматқулов

Т/р	Т/р	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш мuddати	Масъуллар
			юзасидан раҳбариятга маълумот киритиш.		
24.	13.	Агентлик иштирокидаги корхоналарнинг соф фойдасидан давлат улушига ҳисобланган дивидендларни (ажратмаларни) тўланишини мониторингини юритиш	Агентликка эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун берилган давлат улушлари бўйича дивидендларни (ажратмаларни) ҳужалик жамиятлари ва давлат корхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўланишини таъминлашда Давлат солиқ кўмитасига кўмаклашиш.	Доимий	Т.Самандаров, А.Матякубов
25.	14.	Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини қабул қилинишида иштирок этиш	Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси иккинчи ўқишига тайёрлаш	2021 йил 1 март	С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, А. Тугизбаев
26.	15.	Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳасини қабул қилинишида иштирок этиш	2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясидан келиб чиқадиган Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси юзасидан Олий Мажлис Сенатида химоясини ташкил этиш	2021 йил 1 февраль	С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, А. Тугизбаев
27.	16.	Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан уларнинг веб-сайтларига қўйиладиган талабларга риоя этилишини мониторинг қилиш	Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 февралдаги 81-сон қарорига асосан, давлат иштирокидаги ҳужалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари томонидан уларнинг веб-сайтларига қўйиладиган талабларга риоя этилишини мониторинг қилиш ва Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумот киритиш.	Ҳар чорак яқундан сўнг, кейинги ойнинг 15 санасига қадар	Т.Самандаров, А.Матякубов
28.	17.	Давлат иштирокидаги корхоналарга нисбатан тижорат мақсадлари ва нотижорат мақсадларни ишлаб чиқиш.	Корхоналар томонидан Агентлик, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда корхоналарга нисбатан тижорат ва нотижорат мақсадларни ишлаб чиқиш (Норматив-ҳуқуқий ҳужжат).	2022 йил 1 март	С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, М.Ибрагимов
29.	18.	Давлат иштирокидаги корхоналарга нисбатан тижорат мақсадлари ва нотижорат мақсадларни ишлаб чиқиш.	Нотижорат мақсадларни молиялаштириш тартибининг шаффоф механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда иштирок этиш.	2022 йил 1 май	С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, М.Ибрагимов
30.	19.	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши мониторингини юритиш	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2022 йилга мўжалланган бизнес-режаларини маъқулланишини (тасдиқланишини) ва бизнес-режа кўрсаткичларини Агентликнинг	2022 йил 15 февраль	Т.Самандаров, О.Исмамов, С.Ниғматов, корхоналар учун

Т/р	Т/р	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
			www.kpi.davaktiv.uz сайтига жойлаштирилишин таъминлаш		масъуллар
31.	20.	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2021 йил якуни бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги йиғма таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва раҳбариятга киритиш	2022 йил 1 апрель	Т.Самандаров, А.Тугизбаев
32.	21.	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг СМК кўрсаткичлари бажарилишини таҳлил.	Устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган корхоналарнинг самарадорлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида ушбу корхоналар томонидан ижроия орган фаолияти самарадорлиги натижалари кетма-кет икки чорак мобайнида Агентлик расмий веб-сайтида жойлаштирилмаган тақдирда, ижро этувчи орган раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқиш.	2022 йил 1 июнь	Т.Самандаров, С.Ниғматов, О.Исмаев
33.	22.	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2021 йил якуни бўйича давлат улушига ҳисобланадиган дивиденд (ажратма) прогнозини ишлаб чиқиш.	Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан 2021 йил якуни бўйича кўрилган ҳақиқатдаги соф фойдасидан келиб чиқиб, 2021 йил учун дивиденд (ажратма) прогнозини шакллантириш ва корхоналарга юбориш.	2022 йил 1 май	Т.Самандаров, А.Матякубов
34.	23.	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш.	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2021 йил ва 2022 йил 1-чорак якунлари бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни электрон тизимга киритиш ва уларни бажарилиши ҳолатини корхона кесимида таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини корхоналар, уларнинг кузатув кенгашлари ва таъсисчиларига етказиш.	2022 йил 10 апрель 30 май	С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, корхоналар учун масъуллар, ҳудудий бошқарма бошлиқлари
35.	24.	Давлат иштирокидаги корхоналар инвестиция лойҳаларини амалга оширилиши ҳамда экспорт ва импорт режаларини бажарилиши мониторингини юритиш.	Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан инвестиция дастурларини ҳамда экспорт ва импорт режаларини (кўрсаткичлари) бажарилиши ҳолатини мониторинг қилиш ва натижаси юзасидан кўрсаткичлар бажарилмаган корхоналарга кўрсатмалар юбориш.	Ҳар чорак яқунлангандан сўнг, кейинги ойнинг 30 санасига қадар	С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, Д.Маматқулов
36.	25.	Давлат иштирокидаги корхоналар ижроия органи фаолияти СМК кўрсаткичлари жорий этилишини таъминлаш.	1. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини (СМК) жорий этиши лозим бўлган 1 792 та давлат иштирокидаги корхоналарнинг (885 таси	2022 йил 15 март	С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, С.Ниғматов,

Т/р	Т/р	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
			<p>фаолиятсиз, банкрот, тўгатилаётган корхоналар, банклардан ташқари) камида 90 фоизи (1 615 та) томонидан 2022 йил якуни бўйича СМК натижалари Агентлик веб-сайтида жойлаштирилишини таъминлаш.</p> <p>2. Давлат иштирокидаги корхоналарда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини (KPI) жорий этилиши, ҳисобланиши ва бажарилишининг мониторингини амалга ошириш.</p> <p>3. Давлат иштирокидаги 60 та йирик корхона раҳбарининг маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологияларн масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари (KPI)нинг жорий этилиши, ҳисобланиши ва бажарилишининг мониторингини амалга ошириш.</p>	<p>Ҳар чорак яқунлангандан сўнг, 45 кун ичида</p> <p>Ҳар чорак яқунлангандан сўнг, кейинги ойнинг 30 санасига қадар</p>	<p>корхоналар учун масъуллар, ҳудудий бошқарма бошлиқлари</p> <p>С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, Д.Маматқулов, С.Ниғматов корхоналар учун масъуллар, ҳудудий бошқарма бошлиқлари</p>
37.	26.	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия органи масъулиятини ошириш.	<p>1. Давлат иштирокидаги корхоналар бизнес-режаси асосий кўрсаткичлари ва Самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичлари (СЙК) бажарилиши мониторинги натижасида кетма-кет икки чорак мобайнида ушбу кўрсаткичлар бажарилмаган, қониқарсиз ёки паст даражада бўлган корхоналар бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ва уларнинг ижроия органи фаолиятига баҳо бериш бўйича Агентлик раҳбариятига маълумот киритиш.</p> <p>2. Давлат иштирокидаги корхоналар ижроия органининг 2021 йил якунлари бўйича самарадорлик муҳим кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги йиғма маълумотларни Агентлик веб-сайтида эълон қилинишини таъминлаш.</p>	<p>Чорак яқунлангандан сўнг, 45 кун ичида</p> <p>2022 йил 1 май</p>	<p>С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, О.Исмаилов, С.Ниғматов корхоналар учун масъуллар</p> <p>С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, С.Нигматов</p>

Т/р	Т/р	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
38.	27.	Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича “Йўл-хариталар”ини ишлаб чиқиш ва мониторингини юритиш.	<p>Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 18 декабрдаги 1013-сон қарорига асосан:</p> <p>1. давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2021 йил якуни бўйича молиявий-иқтисодий ҳолати кўрсаткичларини таҳлил қилиш;</p> <p>2. молиявий соғломлаштириш бўйича “йўл хариталари” – дастурлари ишлаб чиқилиши лозим бўлган корхоналар рўйхатини шакллантириш;</p> <p>3. давлат иштирокидаги камида 250 та иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий таваккалчиликдаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича “йўл хариталари” – дастурларини корхона билан биргаликда ишлаб чиқиш;</p> <p>4. корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган “йўл хариталари” дастурлари ижроси мониторинги якуни бўйича раҳбариятга йиғма маълумотларни киритиш;</p> <p>5. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарздорлиги ҳолатини ўрганиш;</p> <p>6. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий ва статистик кўрсаткичларини тўлақонли шакллантириш чораларини кўриш;</p> <p>7. Ҳисобот даври учун молиявий ҳисоботлар топширмаётган давлат иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятини ўрганиш;</p> <p>8. Молиявий соғломлаштириш бўйича “йўл</p>	<p>2022 йил 25 март</p> <p>2022 йил 1 апрель</p> <p>2022 йил 1 июнь</p> <p>Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15 санасигача</p> <p>2022 йил 15 март</p> <p>2022 йил 1 апрель</p> <p>Доимий</p> <p>2022 йил</p>	С.Қурбоналиев, Ў. Мухаммадиев, худудий бошқарма бошлиқлари

Т/р	Т/р	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
			хариталари” – дастурларидаги корхоналарни жойига чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш	май-июнь	
39.	28.	Давлат иштирокидаги корхоналар ва ҳудудий бошқарма бошлиқларига амалий ёрдам кўрсатиш.	<p>1. Камида 3 та вилоятни танлаган ҳолда вилоят ҳудудий бошқарма бошлиқларига бориш, бизнес-режалар ва СМК ишлаб чиқилиши ва бажарилиши мониторинги бўйича ҳолатни ўрганиш ва уларни бажариш бўйича ишларни ташкиллаштириш;</p> <p>2. Корхонани молиявий соғломлаштириш бўйича сифатли “йўл харита” - дастурини ишлаб чиқиш учун Агентликнинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари ходимларига “ZOOM” платформаси орқали ўқув семинарини ташкил этиш.</p>	<p>2022 йил февраль-июнь</p> <p>2022 йил 20 март</p>	<p>С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, А.Тугизбаев, О.Исмаев, Д.Маматқулов, С.Ниғматов С.Қурбоналиев, Ў. Мухаммадиев масъул мутахассислар</p>
40.	29.	Департамент ходимларининг малакасини ошириш.	<p>1. Департаментнинг ходимлари учун молиявий ва бухгалтерлик ҳисоби, корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари ва кўрсаткичлари асосида унинг ҳолатини таҳлил қилиш мавзусида қисқа муддатлик (10 кунлик) ўқишни ташкил этиш;</p> <p>2. Банкларнинг молиявий ҳисоботларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асослари бўйича ўқиш курсларини ташкиллаштириш;</p> <p>3. Корпоратив бошқарув муносабатлари, шу жумладан самарадорликни муҳим кўрсаткичларининг жорий этилиш ва ҳисобланиш тизими энг яхши деб ҳисобланган корхоналарда бошқарма ходимларининг қисқа муддатли тажриба алмашиш ва ўрганиш амалиётини жорий қилиш;</p> <p>5. Бизнес ва корпоратив бошқарув олий мактаби ва бошқа ўқув муассасалари томонидан ташкил этиладиган ўқув курслари, семинарлар ва давра суҳбатларида бошқарма ходимларининг иштирок этишини таъминлаш;</p>	<p>2022 йил март-июнь</p> <p>2022 йил 1 июн</p> <p>Келишувга мувофиқ</p> <p>Доимий</p>	<p>С.Қурбоанлиев, Т.Самандаров, Қ.Абдухолиқов</p>

Т/р	Т/р	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
			<p>6. Департаментнинг камида 2 та ходимни махсус ўқув курсларида ўқитиш ва Сертификатланган дипломли бухгалтерлар халқаро ассоциацияси сертификатини олишини ташкиллаштириш;</p> <p>7. Халқаро молия институтларининг Департамент фаолиятига боғлиқ ўқув курсларида иштирок этиш</p>	<p>2022 йил январ-июнь</p> <p>Доимий</p>	<p>С. Қурбоналиев, Т. Самандаров, М. Ибрагимов</p> <p>С. Қурбоналиев, Т. Самандаров, М. Ибрагимов</p>
41.	30.	“Давлат мулки” ягона ахборот тизимини такомиллаштириш.	<p>1. Давлат иштирокидаги корхоналар инвестиция лойиҳалари дастурларини бажарилиши ҳолатини мониторингини йўлга қўйиш мақсадида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ахборот тизими билан электрон ахборот алмашинувини ва мониторинг тизимини йўлга қўйиш.</p> <p>2. “Давлат мулки” ахборот тизими билан Мажбурий ижро бюросининг “МИБ-портал” ахборот тизимини электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйиш учун интеграция қилиш ишларини якунлаш;</p> <p>3. Агентликнинг kpi.davaktiv.uz сайти орқали корхоналар фаолиятини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш, бунда корхоналарнинг чораклар якуни бўйича таҳлил қилишни автоматлаштириш, экспорт ва импорт кўрсаткичларини Давлат божхона қўмитаси маълумотлар базасидан юклаш, таҳлил натижаларини корхоналар электрон почтасига автомат жўнатиш каби қулайликларни кўзда тутиш;</p> <p>4. Ишончли бошқарувчилар томонидан бошқарилаётган давлат иштирокидаги корхоналар ҳисоботларини электрон тарзда электрон рақамли имзо орқали қабул қилиш ва таҳлил қилиш тизимини йўлга қўйиш ишларини якунлаш.</p>	<p>2022 йил 1 апрель</p> <p>2022 йил 15 март</p> <p>2022 йил 10 май</p> <p>2022 йил 1 март</p>	<p>А. Тугизбаев, С. Ниғматов</p> <p>А. Тугизбаев, С. Ниғматов</p> <p>С. Қурбоналиев, Т. Самандаров, Д. Маматқулов, АКТни жорий этиш бошқармаси</p> <p>С. Қурбоналиев, Т. Самандаров, С. Ниғматов, АКТни жорий этиш бошқармаси</p>

Т/р	Т/р	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
42.	31.	Давлат улуши мавжуд барча юридик шахсларнинг ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар муассислигида тузилган юридик шахсларнинг дивидендлари ва давлат корхоналарининг соф фойдасидан ажратмаларни ҳисоблаш ва ундириш бўйича электрон тизимни жорий қилиш.	<p>1. Давлат солиқ қўмитаси билан давлат иштирокидаги корхоналар ҳамда улар муассислигида тузилган юридик шахсларнинг дивидендлари ва давлат корхоналарининг соф фойдасидан ажратмаларни ҳисоблаш ва ундириш юзасидан ўзаро ахборот алмашинувини йўлга қўйиш бўйича чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. “Давлат мулки” ахборот тизимидаги давлат иштирокидаги корхоналар ҳамда улар муассислигида тузилган юридик шахсларнинг дивидендлари ва давлат корхоналарининг соф фойдасидан ажратмаларни ҳисоблаш ва ундириш юзасидан Давлат солиқ қўмитаси билан ўзаро ахборот алмашинувини йўлга қўйиш.</p>	<p>2022 йил 1 март</p> <p>2022 йил 20 март</p>	С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, А.Матякубов
43.	32.	Департамент фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш.	<p>1. Департамент фаолияти билан боғлиқ муҳим масалаларда хорижий тажрибани чуқур ўрганиш бўйича Ҳалқаро ҳамкорлик ва протокол бошқармаси билан яқиндан ҳамкорликда ишлаш;</p> <p>2. Давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқишда хорижий маслаҳатчилар ва Ҳалқаро ҳамкорлик ва протокол бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаш.</p>	<p>Доимий</p> <p>Доимий</p>	<p>С.Қурбоналиев, Ш.Охунов, Т.Самандаров, М.Ибрагимов</p> <p>С.Қурбоналиев, Ш.Охунов, Ў.Мухаммадиев, Ш.Халилов</p>
44.	33.	Давлат иштирокидаги корхоналар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш.	<p>1. 2021 йил якуни бўйича энг юқори соф фойда олган 20 та корхона ва фаолиятини зарар билан яқунлаган 10 та корхона тўғрисидаги маълумотларни Агентликнинг расмий каналларида эълон қилиш;</p> <p>2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сон қарори ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ОАВларида ва Агентлик сайтида мақолалар чоп қилиш;</p>	<p>2022 йил 10 апрель</p> <p>2022 йил январь-июнь</p>	<p>С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, О.Исмамов, С.Ниғматов</p> <p>С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, М.Ибрагимов</p>

Т/р	Т/р	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
			<p>3. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг асосий молиявий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳолати ҳақида “Тараққиёт формуласи” кўрсатувида давра суҳбати ташкил этиш <i>(Рақамлар ва инфографика асосида кўрсатув учун маълумот тайёрлаш)</i>;</p> <p>4. Янгиланган СМКни ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш тартиби тўғрисида босма ахборот нашрларида мақолалар чоп этишни таъминлаш.</p> <p>5. Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан 2021 йилда тўланган жами дивидендлар, ўтган йилларга нисбатан динамикаси, тармоқлар кесимида интертер ижтимоий тармоқларда маълумот эълон қилиш ва босма нашрларда мақола чоп этиш;</p>	<p>2022 йил апрель</p> <p>2022 йил январь-июнь</p> <p>2022 йил 20 январь</p>	<p>С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, А.Тугизбаев</p> <p>С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, Д.Маматкулов, С.Нигматов</p> <p>С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, А.Матякубов</p>
45.	34.	Департамент томонидан амалга оширилаётган ишлар натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш ва муҳокама қилиш	<p>1. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2022 йилга мўлжалланган бизнес-режаларини тасдиқланиши (маъқулланиши) ва бизнес-режани электрон тизимга жойлаштирилиши таъминлаш бўйича ҳудудий бошқарма бошлиқлари томонидан амалга оширилган ишлар самарадорлиги тўғрисида.</p> <p>2. Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан 2021 йил якуни бўйича бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши ҳолати, уларни таҳлил қилиш якунлари ва давлат улуши бўйича ҳисобланган дивидендларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳақида.</p> <p>3. Самарадорликни муҳим кўрсаткичлари (KPI)нинг жорий этилиш ва эълон қилиш ҳолатининг тармоқ, корхоналар ва вилоятлар кесимидаги таҳлилини кўриб чиқиш.</p> <p>4. Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш, шу жумладан</p>	<p>2022 йил 25 январь</p> <p>2022 йил 30 апрель</p> <p>2022 йил 15 апрель</p> <p>2022 йил 15 апрель</p>	<p>С.Қурбоналиев, А.Тугизбаев, О.Исмаев, С.Нигматов, Ҳудудий бошқарма бошлиқлари бошлиқлари</p> <p>С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, А.Тугизбаев, А.Матякубов</p> <p>С.Қурбоналиев, Т.Самандаров, С.Нигматов</p> <p>С.Қурбоналиев, Ў.Мухаммадиев</p>

Т/р	Т/р	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
			тасдиқланган “йўл-хариталари” ижроси бўйича ҳудудий бошқарма бошлиқлари томонидан амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги тўғрисида.		
Мулқдор ҳуқуқлари ва функцияларини таъминлаш департаменти					
46.	1.	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш.	<p>1. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашдан ўтказиши лозим бўлган устав капиталида давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари (кейинги ўринларда – жамиятлар) рўйхатини шакллантириш;</p> <p>2. Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашдан ўтказишни ташкиллаштириш бўйича жамиятларга кўрсатмалар юбориш;</p> <p>3. Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашдан ўтказиш натижаларини кўриш бўйича жамиятлар бошқарув органларида кўриб чиқишлигини ташкиллаштириш.</p>	<p>2022 йил 1 февраль</p> <p>2022 йил 15 февраль</p> <p>2022 йил 1 июль</p>	Ш.Софаров, Ш.Ахмедов, А.Сангилова, Ф.Абдувалиева, Ж.Синдаров
47.	2.	Давлат иштирокидаги корхоналарга комплаенс хизматини жорий этиш.	<p>1. Комплаенс хизмати жорий этилмаган Устав капиталида давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари рўйхатини шакллантириш;</p> <p>2. Комплаенс хизматини жорий этишни ташкиллаштириш бўйича 20 та йирик жамиятларга кўрсатмалар юбориш;</p> <p>3. Комплаенс хизматини жорий этиш бўйича жамиятлар ташкилий тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш масаласини жамиятлар бошқарув органларида кўриб чиқишлигини ташкиллаштириш.</p>	<p>2022 йил 1 февраль</p> <p>2022 йил 15 февраль</p> <p>2022 йил 1 июль</p>	Ш.Софаров, Ф.Караев
48.	3.	Стратегия талаблари доирасида давлат иштирокидаги корхоналар Ижро органи фаолиятини такомиллаштириш	1. Ижро этувчи орган раҳбари ва аъзоларининг жавобгарлигини суғурта қилиш механизмини жорий этиш.	2022 йил 1 май	Ш.Ахмедов, А.Сангилова

T/p	T/p	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
			2. Замонавий менежмент ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида давлат иштирокидаги корхоналар бошқарув ходимларини қайта тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш бўйича дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2022 йил 1 июль	
49.	4.	Транспорт (36 та), энергетика (28 та), алоқа корхоналари (152 та) ва бошқа тармоқ корхоналарининг асосий фаолиятига хос бўлмаган объектларни Давлат активларини бошқариш агентлиги балансига ўтказиш.	1. Тармоқ корхоналари транспорт (36 та), энергетика (28 та), алоқа корхоналари (152 та) ва бошқа корхоналарининг асосий фаолиятига хос бўлмаган объектларни Давлат активларини бошқариш агентлиги ўтказиш бўйича тегишли бошқарув органлар қарорлари қабул қилинишини таъминлаш юзасидан Молия вазирлигига мурожаат юбориш. 2. Тармоқ корхоналар асосий фаолиятига хос бўлмаган объектларни Давлат активларини бошқариш агентлиги балансига ўтказилишини таъминлаш.	2022 йил 25 февраль 2022 йил 25 март	Ш. Софаров, худудий бошқарма бошлиқлари Ш. Софаров, худудий бошқарма бошлиқлари
50.	5.	Давлат иштирокидаги корхоналарда бошқариш сиёсатини йўлга қўйиш	1. Бошқариш сиёсатини Давлат активларини агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишиш; 2. Бошқариш сиёсатини корхоналар кузатув кенгаши қарори билан тасдиқлаш; 3. Бошқариш сиёсатини амалга оширилишини мониторинг қилиш.	2022 йил 1 март 2022 йил 1 май 2022 йил 1 август	Ш.Софаров, Ш.Ахмедов, А.Эргашев
51.	6.	Корпоратив бошқарув ва капитал бозори соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.	2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасалари ўқув дастурларига иқтисодий ва юридик йўналишларда “Корпоратив бошқарув” ва “Капитал бозори” бўлимларини киритиш ҳамда ҳар йили профессор-ўқитувчилар таркибини мажбурий тартибда Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Молия	2022 йил 30 декабрь	Ш.Софаров, Ш.Ахмедов, А.Сангилова

Т/р	Т/р	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
			вазирлигида қисқа муддатли стажировкадан ўтказишда иштирок этиш.		
52.	7.	Агентлик акциядор (иштирокчи, таъсисчи, мулкдор) бўлган давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши ва ижроия органи тўғрисида маълумотларни ошкор этиш.	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши ва ижроия органи тўғрисида маълумотларни ошкор этиш учун Очиқ маълумотлар порталига ва Агентликнинг расмий веб-сайтига жойлаштиш учун Агентликнинг Ахборот ва PR хизматига тақдим этиб бориш.	Доимий	Ш.Ахмедов, А.Сангилова, Ф.Абдувалиева
53.	8.	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356-сон Қарори талабларига мувофиқ; Агентлик иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгашлари аъзолигига давлат улуши бўйича номзодларни Вазирлар Маҳкамасига келишиш; устав капитали (фонди)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ижроия органи раҳбари ва раҳбар ўринбосари лавозимларига номзодларни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишиш.	Жамиятлар ижроия органи ва кузатув кенгаши таркибига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилаётганда Вазирлар Маҳкамасига келишиш учун хат юбориш.	Доимий	Ш.Ахмедов, Д.Юнусов, А.Сангилова, Ф.Абдувалиева
54.	9.	Ўзбекистон кузатув кенгашларининг мустақил аъзолари уюшмасини ташкил этиш.	1. Адлия вазирлигида “Ўзбекистон кузатув кенгашларининг мустақил аъзолари уюшмаси” ННТни рўйхатдан ўтказиш. 2. Уюшма ва Давактив агентлиги ўртасида ўзаро ишлаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2022 йил 1 март 2022 йил 1 апрель	Ш.Ахмедов, Д.Юнусов
55.	10.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарув органларига номзодларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши бўйича Вазирлар Маҳкамаси билан ишлаш.	Қарор лойиҳасига доир тегишли материалларни тақдим этиш ва ҳамкорликда ишлаш	2022 йил 1 май	Ш.Ахмедов, Д.Юнусов, А.Сангилова, Ф.Абдувалиева
56.	11.	Иқтисодиётда давлат иштирокидаги корхоналар сонини қисқартириш мақсадида истиқболсиз, фаолият кўрсатмаётган, зарар	Вазирлар Маҳкамасининг 350-сон ва 800-сон қарорларига асосан тугатилиши белгиланган 200 та корхоналарни тугатилиши ва давлат	2022 йил 1 июль	Ш.Софаров, Ш.Ахмедов, Ж.Синдаров,

Т/р	Т/р	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
		кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарни қайта ташкил этиш ва тугатиш.	реестридан чиқарилишини ташкиллаштириш.		Ш.Уринов
57.	12.	“Ўзбекэнерго” АЖни тугатиш ишлари ниҳоясига етказиш.	Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти билан ишлаш.	2022 йил 1 апрель	Ш.Софаров, Ж.Синдаров, Ф.Абдувалиева
58.	13.	Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 июлдаги 430-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Agrotexmash-DD” МЧЖни ихтиёрий тугатиш ишларини яқунлаш.	“Agrotexmash-DD” МЧЖда якуний солиқ текшириши ўтказилишини ҳамда давлат реестридан чиқарилишини ташкиллаштириш	2022 йил 1 апрель	Ш.Софаров, Ш.Уринов
59.	14.	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	1. Давлат иштирокидаги тармоқ корхоналари раҳбарларини носоҳавий, самарасиз ва бўш турган активларни аниқлашга шахсан масъул сифатида белгилаш. 2. Давлат иштирокидаги тармоқ корхоналарига тегишли қўшимча аниқланадиган носоҳавий ёки бўш турган ёхуд самарасиз фойдаланилаётган активларни сотиш масаласини кузатув кенгаши томонидан ҳар чорақда камида бир марта кўриб чиқиш.	Доимий	Ш.Софаров, Ж.Синдаров, Ш.Уринов, Ф.Караев
60.	15.	Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 ноябрдаги 684-сон қарори доирасида “UzVC миллий венчур фонди” МЧЖ устав капиталидаги 100 фоиз давлат улушини ишончли бошқарувга бериш.	1. Танлов натижаларига кўра ғолиб деб топилган Sturgeon Capital Ltd (Буюк Британия) компанияси билан шартнома имзоланашини таъминлаш. 2. Қарор ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиш.	2022 йил 25 январь	Ш.Софаров, А.Эргашев
61.	16.	Департаментга бириктирилган ҳўжалик жамиятларида 2021 йил яқунлари бўйича акциядор (таъсисчилар)ларнинг йиллик умумий йиғилишлари ўтказилишини ташкиллаштириш.	1. Устав капиталида давлат улуши мавжуд ҳўжалик жамиятларига 2021 йил якуни бўйича акциядор (таъсисчи)лар умумий йиғилишини ташкиллаштириш бўйича хат юбориш; 2. Департаментга бириктирилган ҳўжалик жамиятларида 2021 йил яқунлари бўйича акциядор (таъсисчилар)ларнинг йиллик умумий йиғилишлари ўтказилиши тўғрисида маълумотларни умумлашириш ва раҳбариятга киритиш	2022 йил 1 апрель 2022 йил 15 июль	Ш.Софаров, Ш.Ахмедов, Ж.Синдаров

T/p	T/p	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
Давлат активларини хусусийлаштириш департаменти					
62.	1.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарорига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, юридик бошқармага тақдим этиш.	<p>1. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарорини бугунги кундаги қонунчилик нормаларига мувофиқлигини ўрганиб чиқиш.</p> <p>2. Ўрганиш натижасида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарори билан амалдаги қонунчилик нормаларини таққослаш ҳамда аниқланган бўшлиқлар юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ишлаб чиқилган таклифларни Юридик бошқармага тақдим этиш.</p>	<p>2022 йил 31 март</p> <p>2022 йил 30 апрель</p> <p>2022 йил 3 май</p>	<p>Ж. Жўраев Ж. Ахмедов Р. Бекчанов А. Умаров Е. Кондратьева Р. Нарзуллаев Худудий бошқарма бошлиқлари</p>
63.	2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармони ижроси таъминланишини ташкил этиш.	<p>1. Фармон иловаларида хусусий секторга сотилиши белгиланган бироқ, бугунги кунга қадар оммавий савдоларга чиқарилиши таъминланмаган давлат активларини рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Мазкур рўйхатдаги давлат активларини оммавий савдоларга чиқариш бўйича юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш.</p> <p>3. Ушбу муаммолар бартараф этилгандан сўнг, давлат активларини оммавий савдоларга чиқариш ишларини жадаллаштириш.</p>	<p>2022 йил 31 январь</p> <p>2022 йилнинг I-чорак якунига қадар</p> <p>2022 йил 1 май</p>	<p>Ж. Жўраев Ж. Ахмедов Р. Бекчанов А. Умаров Е. Кондратьева Р. Нарзуллаев худудий бошқарма бошлиқлари</p>
64.	3.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6167-сон Фармонига мувофиқ Давлат тендер комиссияси томонидан тасдиқланган алоҳида тартибга асосан сотилиши белгиланган давлат активларини савдоларини ташкил этиш.	<p>1. Фармонга мувофиқ хусусий секторга сотилиши белгиланган давлат активлари бўйича Давлат тендер комиссияси томонидан тасдиқланган алоҳида тартиб доирасида талабгорлардан таклифларни қабул қилиш учун давлат активларини “E-auction” электрон савдо платформасига жойлаштириш.</p> <p>2. Талабгорлардан келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш.</p> <p>3. Таклифларни саралаш натижалани Давлат тендер комиссиясига киритиш.</p>	<p>2022 йил давомида</p>	<p>Ж. Жўраев Ж. Ахмедов Р. Бекчанов А. Умаров Е. Кондратьева Р. Нарзуллаев худудий бошқарма бошлиқлари</p>

Т/р	Т/р	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
			4. Давлат тендер комиссияси қарорига мувофиқ ғолиб деб топилган инвесторлар билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш.		
65.	4.	Аввал қабул қилинган қарорларга мувофиқ сотилиши белгиланган жами 338 та давлат активларининг савдога чиқариш.	1. Белгиланган тартибда савдо олди тайёргарлик ишларини якунлаш; 2. Давлат активларини “Е-auksion” электрон савдо платформасида ва “Тошкент” РФБда оммавий савдоларга чиқариш бўйича тегишли буйруқларни қабул қилиш ва савдо жараёнлари бошланганлиги тўғрисида ОАВларга эълонларни жойлаштириш.	2022 йил 28 февраль	Ж. Жўраев Ж. Ахмедов Р. Бекчанов А. Умаров Е. Кондратьева Р. Нарзуллаев худудий бошқарма бошлиқлари
66.	5.	“Е-auksion” электрон савдо платформасида ижара ҳуқуқи билан савдода турган 33 мингта қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини савдодан ечиб, мулк ҳуқуқи асосида савдога чиқариш мумкин бўлган ер участкаларини савдога чиқариш.	“Е-auksion” электрон савдо платформасида ижара ҳуқуқи билан савдода турган 33 мингта қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини савдодан ечиб, мулк ҳуқуқи асосида савдога чиқариш мумкин бўлган ер участкаларини савдога чиқарилишини таъминлаш.	2022 йил 28 февраль	Ж. Жўраев Ж. Ахмедов Р. Бекчанов А. Умаров Е. Кондратьева Р. Нарзуллаев худудий бошқарма бошлиқлари
67.	6.	2022 йил давомида жами 1000 га яқин 9,5 трлн. сўм қийматдаги давлат активларини оммавий савдоларга чиқариш ҳамда 750 та умумий қиймати 12,8 трлн. сўм бўлган давлат активларини сотиш ишларини ташкил этиш.	2022 йил I-ярим йилликда: 495 та давлат активларини умумий қиймати 5,2 трлн. сўм бўлган бошланғич қийматда оммавий савдоларга чиқариш; 531 та давлат активларини умумий қиймати 4,4 трлн. сўмга сотиш ишларини ташкил этиш.	2022 йил I ва II-чорак давомида	Ж. Жўраев Ж. Ахмедов Р. Бекчанов А. Умаров Е. Кондратьева Р. Нарзуллаев худудий бошқарма бошлиқлари
68.	7.	Худудлар ва тармоқлар кесимида хусусийлаштириладиган давлат активларини ва ушбу жараёнларни жадаллаштиришнинг амалий чораларини кўзда тутишни инobatга олган ҳолда, 2022 йил хусусийлаштириш дастурини тасдиқлаш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Худудлар ва тармоқлар кесимида хусусийлаштириладиган давлат активларини ва ушбу жараёнларни жадаллаштиришнинг амалий чораларини кўзда тутишни инobatга олган ҳолда, 2022 йил хусусийлаштириш дастурини тасдиқлаш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2022 йил 9 февраль	Ж. Жўраев, У. Газиев
69.	8.	61 та бозор ва савдо комплексларидаги давлат акция пакетларини (улушлари) оммавий савдоларга чиқариш.	Бозор ва савдо комплексларининг активларини ҳамда молиявий ва мулкий масалаларини ўрганиш; ўрганиш натижалари бўйича аниқланган	2022 йил давомида	Ж. Жўраев С. Тангриев У. Асроров О. Амонов

T/p	T/p	Амалга оширилиши режалартирилган тадбирлар	Амалга ошириш механизими	Бажариш муддати	Масъуллар
			<p>муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш; бозор ва савдо комплексларидаги давлат улушларини сотиш шартлари ва усулларини Давлат тендер комиссиясига киритиш ҳамда тасдиқлаш; Бозор ва савдо комплексларидаги давлат улушларини савдоларга чиқариш.</p>		
Методология, ҳудудлар ва таркибий бўлинма бошлиқлари фаолиятини мувофиқлаштириш йўғма ахборот-таҳлил департаменти					
